



“Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

САЙЛОВ МУДДАТИ ЎЗГАРТИРИЛДИ

Ўзгартиришга кўра, Президентликка, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда — октябрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилиши белгиланди (илгари декабрь ойида эди).

Шунингдек, сайловларни ўтказиш бўйича сайлов участкалари туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловини ўтказиш бўйича сайлов участкалари эса туман, шаҳар сайлов комиссиялари томонидан тузилади (илгари сайлов участкалари туман ва шаҳарлар ҳокимликлари тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилган).

Эндиликда халқ депутатлари туман, шаҳар (бундан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши мустасно) Кенгашига сайлов ўтказиш бўйича округ сайлов комиссиялари тузилмайди.

Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.



“Hamkorbank” филиалларида ишлаётган хотин-қизларнинг фаоллиги ошиб бормоқда. Иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислохотларда улар доим фаол. Авиасозлик филиалида фаолият юритаётган 13 нафар аёл-ҳодим ҳақида ҳам ана шундай фикр билдириш мумкин.

Улар банкимиз ташкил топганининг 30 йиллигини юқори кўрсаткичлар билан кутиб олишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Жумладан, мижозлар сафини кенгайтириш билан банкимизнинг молия бозоридаги ўрнини янада мустаҳкамлаш бош шиорига айланган.

Суратда: Авиасозлик филиалининг фаол ходималари.

Бекзод МУТАЛЛИБОВ олган сурат.



Ўзбек-Афғон-Покистон музокаралари натижасида деярли 600 км. узунликдаги “Мозори-Шариф — Кобул — Пешавор” темир йўлини қуриш бўйича “Йўл харитаси” қабул қилинди. Лойиҳани 5 йилда амалга ошириш кўзда тутиляпти.

2021 йил 1 мартгача қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган суғориладиган ерларни фойдаланишга киритиш шарти билан қорақўлчилик кластерларига озуқа учун ер майдонлари ажратилади. “Қорақўлчилик” уюшмаси аъзоларига 3 йил муддатгача, шу жумладан, 1 йиллик имтиёзли давр билан кредитлар тақдим этилади.

“Республикамиздаги ҳозирги газ ҳажми учта Ўзбекистон учун етарли”, дея маълум қилди энергетика вази-

ри Алишер Султонов. Унинг сўзларига кўра, 95 миллион аҳолиси бўлган ва ишлаб чиқариш ривожланган Туркия ҳам, 35 миллион аҳолиси бўлган Ўзбекистон ҳам йилига 45 миллиард кубометр газ истеъмол қилади.

Янги таҳрирдаги Фуқаролик кодекси лойиҳаси эълон қилинди.

Шу йилнинг апрель ойида Нукус шаҳрида Халқаро бахшичилик санъати фестивали ўтказилади.

Умумтаълим мактаблари битирувчиларининг баҳоларини ОТМга кириш имтиҳонидан иноватга олиш тартиби эълон қилинди.

Марказий банк 2021 йилнинг январь ойида банклар орқали нақд пул айланмасига оид маълумотларни эълон қилди. Унга кўра, январда банклар орқали нақд пул айланмаси ҳажми 32,1 трлн. сўмни ташкил этган. Бу 2020 йил январь ойига нисбатан 7 фоизга кўп.

Жумладан, банклар кассаларига нақд пул тушумлари 17 трлн. сўмни, чиқим қилинган нақд пуллар 15,1 трлн. сўмни ташкил этган.



“ҲАЁТ ФАҚАТ ИШДАН ИБОРАТ ЭМАС”



Бу сонга:



КОРОНАВИРУС: ЭНГ САМАРАЛИ УСУЛ — ЭМЛАШ

74 ЁШДАГИ ПЕНАЛЬТИ



2020 йилда дунё бозорида электро-мобиллар сотуви 2019 йилдагига нисбатан 39 фоизга ошди — йил давомида 3,1 млн. дона электромобил сотилди.

Қайд этилишича, Хитой ва Европа бозорларида 1,3 млн. дона электро-

ЭЛЕКТРОМОБИЛЛАРГА ТАЛАБ ОРТМОҚДА

кар сотилган бўлиб, бу АҚШдаги сотув ҳажмига нисбатан тўрт бараварга кўп.



Дунё бўйича сотилган автомобиллар орасида электромобиллар улуши 5 фоизни ташкил этган. 2021 йилда бу кўрсаткич 7 фоизга етиши кутил-япти. 2030 йилга бориб умумий сотув ҳажмининг қарийб 50 фоизини электромобиллар ташкил эти-ши кутилмоқда.

ХАКЕРЛАР 300 МЛН. ДОЛЛАРДАН ОРТИҚ ПУЛНИ ЎМАРИШДИ

"Шимолий корейлик хакерлар 2019 йилдан 2020 йил ноябригача 300 млн. доллардан ортиқ пул ўғирлашган", демоқда БМТ экспертлари.

Мутахассисларнинг ҳисоботида кўра, хакерлар қарийб бир йил давоми-да молия муассасалари ва рақамли валюта алмашти-рувчи онлайн-сервислар-га бир неча марта ҳужум қилишган. Натижада улар 316 миллион долларни қўлга киритишган.

Ўғирланган маблағлар мамлакат иқтисодиётини қўллаб-қувватлаш ва ядро қуроли яратиш дастурини молиялаштиришга йўналтирилганлиги билдириляпти.

САҲРОИ КАБИРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИГА...

Олимлар халқаро гуруҳи Саҳрои Кабир чўлининг катта қисми бир неча минг йиллар аввал ўсимлик билан қопланган ерлар бўлганини тасдиқлашди. Улар сайёрамизда энг йирик чўлнинг пайдо бўлишига иқлим ўзгаришлари сабаб бўлганини айтишмоқда.

Олимлар Ўрта ер денгизидagi, ёши охириги 160 минг йил-ни қамраб олган чўкиндилар намуналарини таҳлил қилиб, бу даврда юз берган иқлим ўзгаришларини моделлашти-ришган. Денгиз тубидаги чўкинди қатламлари ўзида Афри-ка қитъасида ўсган ўсимликлар қолдиқлари ва қадимий моллюска чиғаноқларини сақлайди. Улар орқали ўтмишда юз берган иқлим ўзгаришларини моделлаштириш мумкин.

Иқлимнинг ўзгариши одамлар ҳаётида ҳам кескин ўзгаришларга олиб келган ва бу, эҳтимол, уларнинг Саҳрои Кабирда катта миграцияларига сабаб бўлган.



— Ўғлимни уйлантирмоқчиман. Қиз томонга оғирлик тушмасли-ги учун ўйлаб қўйган режамдаги ишларни амалга оширишим зарур. Бунинг учун эса маблағ етмай турибди...

— Қизим чиройли идишларни ёқтиради. Унга маъқул келган идиш-товоқ жамланмасини олиш учун пул жамғариб боришим керак...

— Корхонага янги ишга кирган эдим. Махсус либос тиктиришим зарур. Пул керак.

— Китобларим кўп. Фарзандларим учун мўъжаз кутубхона ташкил қилмоқчи эдим. Пул керак...

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАР

Ҳаётимиз давомида кўп нарсага эҳтиёж сезамиз. Ҳали у кам, ҳали бу. Хоҳиш-истакларимизнинг аксарияти маблағга бориб тақалади. Авваллари ота-оналаримиз маошларидан ойма-ой пул тўплаб, бизни ўйлантираёт-ган масалани ҳал қилган бўлса, бугун-ги шиддаткор давр йил тугул, ойни,

ҳафтани ҳисобга олмаяпти. Кун тар-тибидаги масала бугуннинг ўзидаёқ ҳал этилиши лозим, эҳтиёж сўзсиз қондирилиши зарур. Тўй, маросим-ларни ихчамлаштиришга ҳаракат қиялпмиз. Лекин кўнгилдагидай, эл қатори тадбирни ўтказиш учун ҳам маблағ керак. Яхши ҳамки, давр-

ҚАЛАМПИРХЎР РЕКОРДИНИ ЯНГИЛАДИ

Канадалик Майк Жек ўзининг рекорд кўрсаткичи-ни янгиллаб олди. Гиннеснинг рекордлар китоби хаба-рига кўра, у ўн сония ичида дунёдаги энг аччиқ учта қалампирни паққос туширди.



Режасини ўз уйида амалга ошир-ган қалампирхўрга рафиқаси гувоҳ, хронометражист ва мураббий сифа-тида кўмаклашди. Шартларга кўра, ҳар бир қалампир

камида беш граммни ташкил этиши керак эди ва Майк бунинг уddасидан чиқди.

Канадалик учун бу рекорд гарчи ютуқ бўлса-да, лекин аччиқ қалампир истеъмол қилиш унинг учун одатий ҳолга айланган. У мунтазам равишда шу каби мусобақаларда қатнашиб туради.

Польшанинг собиқ Президенти ва Нобель мукофоти совриндори 77 ёшли Лех Валенса коронавирус пандемияси ва нафақаси етмаёт-гани сабабли иш излаётганини маълум қилди.

СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТ ИШ ИЗЛАМОҚДА

"Мен қўшимча иш изламоқдаман. Чунки бир-гина пенсияга яшаймиз. Аввал Ўзбекистон университет-ларда маърузалар ўқигани борардим, бироқ пан-демия мени бундай имкониятдан маҳрум қилди. Пенсия эса етмаяпти, чунки рафиқам кўп пул сарф-лашни яхши кўради", деб айтган Валенса. Собиқ Президентнинг таъкидлашича, унга электрчи касби кўпроқ мос келади, чунки шу йўналиш бўйича таъ-лим олган.

Аввалроқ ҳам Валенса молиявий аҳволидан шикоят қилиб, "тиланчилик қилишга ҳам тайёрли-гини" айтганди.

БАНК ХИЗМАТИ



га ҳамоҳанг равишда молия муассасалари ривожланиб, такомиллашиб бормоқда.

Ҳар қандай пул талаб этувчи муам-мони уларга суянган ҳолда ҳал этиш мумкин. "Hamkorbank" АТБ томонидан тақдим этилаётган микроқарзни рас-мийлаштириш учун ортиқча овора-гарчиликка ҳолат йўқ. Биргина шах-сингизни тасдиқловчи ҳужжат билан

2020 ЙИЛНИНГ 10 ТА ЙИРИК СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРИ

Йирик солиқ тўловчилар бўйича инспекция 2020 йилда давлат бюд-жетига энг кўп тушум келтирган 10 та йирик солиқ тўловчиларни эълон қилди. Уларнинг орасида Навоий кон-металлургия комбинати энг кўп солиқ тўловчи сифатида етакчи бўлиб турибди.



2020 йил якунларига кўра, респуб-лика бўйича солиқ тушумлари жами 103,6 трлн. сўмни ташкил этган. Шун-дан 67,7 трлн. сўм айнан йирик солиқ тўловчилар томонидан амалга оши-рилган. Ўтган йилги солиқ тушумла-рининг 65 фоизи 836 та йирик солиқ тўловчидан тушган.

Жорий йилда йирик солиқ тўлов-чиларнинг умумий сони 1 минг 120 тага етди.

2020 йил якунига кўра, энг кўп солиқ тушумларини амалга оширган йирик солиқ тўловчилар топ 10 талиги эълон қилинди:

✓ **"Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхона-си**

✓ **"Олмалик кон-металлургия комбинати" АЖ**

✓ **"Ўзтрансгаз" АЖ**

✓ **"Ўзбекнефтгаз" АЖ**

✓ **"ЎЗБАТ" АЖ ҚҚ**

✓ **"Лукойл"**

✓ **"Ўзавто Моторс" АЖ**

✓ **"Ўзбектелеком" АЖ**

✓ **"Ўздудгазтаъминот" АЖ**

✓ **Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи МЧЖ.**

сиз ўз мақсадингизга эришасиз. Ил-гари талаб этилган иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома энди тақдим этилмай-ди. Микроқарз шартлари ҳам сизга маъқул келадиган даражада:

Микроқарз миқдорига кўра, сиздан учинчи шахс кафилиги ёки гаров таъминоти сўралади. Ана шу боис қарз олувчи ҳам, унинг кафили ҳам шахсини тасдиқловчи ҳужжатини тақдим этиши зарур. Таъкидлаш жоиз-ки, банк томонидан қарз олувчи ва кафил шахснинг иш ҳақи маълумот-ларига ойдинлик киритишнинг имко-ни бўлмаса, у ҳолда уларнинг дои-мий даромади ҳақидаги ҳужжатлар тақдим этилиши сўралади.

Ўзингизни ва яқинларингизни қийнаётган масалани "Hamkorbank"-нинг молиявий кўмаги ила ҳал этинг. Микроқарзни расмийлаштириш учун ўзингизга қулай бўлган банк филиали-га мурожаат қилсангиз бўлди.

Наргиза ЭШОНОВА,
"Hamkorbank" пиар менежери.

...КИМКИ МЕНИ СЎРСА, САЛОМИМНИ ДЕГИЛ...



Заҳириддин Муҳаммад Бобур... Бу улуг аждодимизнинг ҳаёти, фаолияти, ижоди ҳақида чуқур ўргана бошлаганимда Яратган Эгамнинг бир инсонга берган чексиз иқтидори ва бундан унумли фойдаланиш улкан муваффақият омили эканини англадим. Умрининг 47 йилини сабот, жасорат, бардош, кураш ва бағрикенглик билан ўтказган шоҳ ва шоирнинг йирик салтанати, бебаҳо маънавий асарларининг ўзи катта хазина.

Тасаввур қилинг, бугун 12 ёшли болага бирор туман ёки вилоятни бошқариш топширилса, эплай оладими? Бобур мирзо 12 ёшида шоҳ бўлди. Атрофини душман босган, ҳатто қариндошлар тахт илинжида қўшин тортиб келаётган пайтда... Унинг чекига ана шундай қисмат ёзилганди. Исмога мос йўлбарсона юриш, хатти-ҳаракатлар, шижоату билим билан мардона подшоҳликни зиммасига олди. Мурғак қалбига катта жасоратни жойлай билди. Аммо бобоси Амир Темурнинг марказлашган давлатини қайта тиклаш орзусини жо қилган лаҳзада ҳали у бола эди. Афсус, темурий шаҳзодаларнинг ўзаро тахт талашишлари ёш Бобур орзуларини саробга айлантирди. Тарафкашлик оқибатида Шайбонийхондан енгилиб, қувғинга учради, Ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлди. Ғам-аламларини ичига ютди, қоғоз-қаламни сирдош тутди:

**Неча бу фалак солғуси ғурбатқа мени,
Ҳар лаҳза туғонғусиз машаққатқа мени.
Не чора қилай, нетайки, Тенгри гўё,
Меҳнатни менга яратти, меҳнатқа-мени.**

Бобур улкан салтанатга ўзга диёрда асос солди. Мусофирлик, азоб-уқубатлар, мақсад ила босган йўли "Бобурнома"да акс этди. Хато-ю, ютуқлари, феълидаги қусурлар, ўй-хаёллари ҳақида ёзганининг ўзиёқ унинг табиатан очиққўнғил, ростгўй, адолатли, серқирра инсон эканлигини намоён этади. Ёзувчи, шоир, географ, тарихчи, фольклоршунос, мунаққид, тилшунос, табиатшунос, элшунос... Дунё олимлари унинг айнан мана шу хислатлари ва асари учун улуғлайдилар.

**Бу олам аро ажаб аламлар кўрдим,
Олам элидин турфа ситамлар кўрдим,
Ҳар ким бу "Вақоеъ"ни ўқур, билгайким,
Не ранжу, не меҳнату, не ғамлар кўрдим.**

У бутун умр одан тушмади, курашу жанглар, мағлубияту ғалабалар ичида яшади, талотўплар орасида ҳам ижод қилди. Нафис, ёқимли, жозибатор ғазалу рубоийлари ҳайратлантиради кишини.

Бугунгача юзлаб тадқиқотларга манба бўлаётган "Бобурнома", ҳарб илми, мусиқа сирларини ёзишга улгурган Бобур мирзо умрининг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланганини сезиш мумкин. Зеро Заҳириддин Муҳаммад тарихдаги шоҳлар, ҳукмдорлар ичида ҳаётлигидаёқ тахтни ўз ўғлига топширган санокли подшоҳларнинг бири. Ўғли Ҳумоюн учун жонини фидо қилган меҳрибон ва жасоратли ота, ҳақиқий мўмин, чин эътиқодли мусулмон эканига гувоҳ бўламиз.

"Мубаййин" асари ана шу эътиқод натижасида ёзилган. Аниқроғи, ўғиллари — Ҳумоюн ҳамда Камрон мирзоларга намоз аҳкомлари ҳақида шеърый мактуб демақдир. Дилида Аллоҳга иймон келтириб, Қуръони карим билан ҳамнафас экани ҳам ёзганларида акс этган.

Бобур мирзо умрининг сўнги йилларида дунё ишларидан узилиб, ижод билан шуғулланиш истагида бўлган, бироқ истакларини амалга оширолмаган. Гўё у подшоҳлик учун туғилиб, подшоҳ бўлиб оламдан ўтгандай. Аммо асарларида яшовчи ҳукмдор, саркарда, бунёдкор, давлат арбоби, шоир, ёзувчи ва тарихдан бугунга, бугундан келажакка ўтувчи инсон сифатида қалбларимиздан жой олди.

**Матлуба Юсуф ОХУН,
журналист.**

Айни вақтда пандемик вазиятдан келиб чиқиб, 130 дан ортиқ ташкилот коронавирусга қарши вакциналар ишлаб чиқмоқда, 15 дан ортиғи аллақачон клиник синовлар босқичига ўтган, яъни дори воситаларини инсонларда синаб кўришмоқда. Бир нечта турларини ишлаб чиқиш жараёни якунланмоқда.

Вакцина ишлаб чиқиш одатда узоқ давом этадиган жараён. Масалан, 43 йилдан бери мавжуд Эбола вирусига қарши вакцина беш йил давомида яратилди ва ўтган йили тасдиқдан ўтди. Гарчи, 2015–2019 йилларда олиб борилган ўрганишлар мазкур вирусга қарши экспериментал вакцинанинг юқори самарадорлигини кўрсатган бўлсада, мутахассислар қўшимча эмлаш воситаларини кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлашди.

Вакцина яратилгач, одатда тажриба учун кемирувчилар ва приматлар, яъни энг аввал, ҳайвонларда синаб кўрилади. Ушбу босқич клиник давргача бўлган синов деб аталади. Унда иммун реакцияси мавжудлиги ва препаратнинг бирламчи хавфсизлиги аниқланади. Мазкур давр одатда уч ойдан олти ойгача давом этади.

Бу синовларнинг биринчи босқичида хавфсизликни синаб кўриш ва иммун реакцияга эга бўлиш учун керакли миқдорни аниқлашда кам сонли инсонлар иштирок этади. Иккинчи босқичи турли ёшдаги инсонларни эмлашни ўз ичига олади. Чунки вакцина турли ёшдаги одамларга турлича таъсир кўрсатиши табиий. Учинчи босқичда минглаб кўнгиллилар эмланади. Уларнинг саломатлигини кузатиш касалланиш ва вакцинанинг инфекциядан ҳимояланиш даражасини белгилайди. Ҳатто тезлаштирилган клиник синовлар ҳам камида олти ой вақт талаб этади. Препаратнинг барча ножўя таъсирларини аниқлаш ва самарадорлигини текшириш учун эмланган гуруҳнинг ҳолати бир ярим йил давомида кузатувда бўлади.

Шубҳасиз, вакцина яратилганда, барча аҳоли бир вақтнинг ўзида уни ололмайдди. Хопкинс университетининг биотехнология бўйича мутахассиси Жонатан Моренонинг айтишича, ҳаммадан аввал вирус олдида энг заиф гуруҳ эмланиши керак. Статистикадан маълумки, кўпинча янги коронавирус кексаларда, диабет ва гипертония билан оғриган беморларда жиддий оқибатларга олиб келади.

Баъзи тадқиқотлар шуни кўрсатадики, COVID-19 нинг ўлим даражаси ирқий ва этник ҳолатга ҳам боғлиқ бўлмоқда. Балки, бу ҳолат ушбу аҳоли қатламларининг иқтисодий фаровонлик даражасидан келиб чиқаётгандир. У ҳолда, заиф соғлиқни сақлаш тизимига эга бўлган ва етарлича инфратузилмаси бўлмаган ривожланаётган давлатлар вакциналарга кўпроқ муҳтож бўладилар. Бунда вакциналарни ушбу давлатларга тегишли шароитларда ташиш, етказиб бериш масаласи кун тартибига чиқади. Аммо COVID-19 га қарши эмлаш воситаси танланмагунча вакциналарни ташиш учун қандай ҳарорат оптимал бўлишини ва дори-дармонларни ўз манзилларига етказиб беришда доимий совуқлик занжирини қай тарзда таъминлаш кераклигини ҳеч ким билмайди.

Шу ўринда савол туғилади: "COVID-19" инфекциясига қарши ўтказилаётган клиник синов-эмлаш тадбирларида кимлар қатнаша олади? Қайд этиш жоиз, Ўзбекистонда кўнгиллилар коронавирусга қарши клиник синов

КУН МАВЗУСИ

Кенг тарқаладиган юқумли касалликларга қарши курашишнинг энг самарали усули эмлаш (вакцинация)дир. Бу муолажа оддий ва хавфсиз бўлиб, организмнинг табиий ҳимоя механизмларини ҳаракатга келтиради ва касалликка қарши иммунитетни шакллантиради ва мустаҳкамлайди. ЖССТ таҳлилларига кўра, эмлаш ҳар йили 3 миллионгача ўлим ҳолатининг олдини олади.

тарзда эмланаётган Хитойнинг "Рекомбинат" вакцинаси биринчи ва иккинчи клиник синов жараёнларидан муваффақиятли ўтган. Ушбу вакцина Республика вирусология ва иммунология илмий маркази ва Ўзбекистон Республикаси Инновациялар маркази томонидан маъқулланган. Шу пайтгача эмланганлар ўртасида салбий асоратлар аниқланмаган.

Бир қатор кўнгилли юртдошларимиз вакцина билан эмланмоқда. Бу жараён оммавий эмас, 3-фаза клиник синов жараёндир. Эмлаш-

КОРОНАВИРУС: ЭНГ САМАРАЛИ УСУЛ — ЭМЛАШ

га кимлар жалб қилинади, қай тартибда тиббий кўриқдан ўтказилди ва эмланган одамларнинг саломатлигидаги ўзгаришлар қандай назорат қилинади?

Аввало, ушбу эмлаш жараёни вакцинанинг хавфсиз ва самаралилигини аниқлаш ҳамда унинг Ўзбекистон шароитида қандай таъсир этишини тадқиқ қилиш мақсадида ўтказилаётганини унутмаслик лозим. Бу борада 18 ёшдан ошган кўнгилли фуқаролар қатнаша олади. Коронавирус билан оғриган беморларга вакцина қилинмайди. Чунки коронавирусга чалиниб, тузалганлар танада антитаначалар мавжуд бўлиб, вакцинанинг организмга таъсирини аниқлашга ҳалақит беради. Фуқаролар тиббий кўриқдан ўтказилади, турли сурункали касалликлардан ҳоли эканлиги аниқланади. Сурункали касаллиги бор ва тана ҳарорати кўтарилган, қон босими меъёридан юқори, қон касалликлари мавжуд, иммун танқислиги бор, саратонга чалинган беморлар ҳамда ҳомиладор ва фарзанд кўриш истагидаги аёллар бу жараёнда қатнашиши мумкин эмас. Эмлаш олдида экспресс усулда қон таҳлили ўтказилади. Бурун ва ҳалқумдан олинган сурункали ПЗР орқали текширилиб, танада "COVID-19" вирусини йўқлигига ишонч ҳосил қилинади. Ҳатто акситанаси (антитела) бор қон плазмасини коронавирус юқтирган беморга қўйиб бўлмайди. Айнан АҚШда "соғайтирувчи плазма" деб номланаётган зардобдан 500 бемор тузалди. Бошқа мамлакатларда ҳам бу синаб кўрилди.

Қон плазмаси орқали даволаш усули беморнинг ўта оғир ҳолатида ёки унга бошқа барча даволаш усуллари ёрдам бермаганда, асосий кўрсатма саналади. Шу билан бирга, бундай даволашда донор билан реципиент қон гуруҳи ва резус бўйича бир-бирига мос келиши лозим. Бир сўз билан айтганда, дунё аҳлини ташвишга солаётган юқумли касалликлардан сақланишда эмлаш сиз учун фойдали. Фақат уни ўз ўрнида ва тўғри қўллаш лозим.

**Мадаминжон МАДАЗИМОВ,
Андижон давлат тиббиёт институти
ректори, тиббиёт фанлари доктори,
профессор.**



Йил якунига бағишланган йиғилишдан Азизбек бир олам қувонч билан чиқди. Аслида у “Hamkorbank” АТБ томонидан “2020 йилнинг энг фаоллари” танловида яна бир бор ғолиб чиқишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Негаки мазкур анъанавий танловнинг 2019 йил бўйича якунида “Йилнинг энг яхши минибанк истеъмол кредит менежери” номинациясида пешқадам бўлиб, кўпчилик эътиборига тушганди. Ниҳоясига етган йил натижаларига кўра, уни яна шу номинация совриндори сифатида эътироф этишди. Кетма-кет икки бор соҳанинг энг фаоллари сафидан ўрин олиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

ЎН МИЛЛИАРД СЎМЛИК “ПОРТФЕЛЬ”

уни номинация ғолибига айлантирди

Айтиш жоизки, бундай эътирофу натижага эришиш “Hamkorbank” АТБ Шаҳрихон филиали Шохбекат минибанки 1-тоифали менежери Азизбек Алимов учун осон кечгани йўқ. Изланиш, интилиш, ўқиб-ўрганиш, оппоқ орзулар йўлидаги машаққату синовлар... бари-барисига чидади. Мактаб чоғиданоқ Азизбек аниқ фанларга, айниқса, математикага қизиқишининг баландлиги, ўзига хос иқтидорга эгалиги билан тенгқурларидан ажралиб турарди. Касб танлаш масаласида иккиланиб турганда амакиси Баҳромжон аканинг маслаҳати оила аъзо-

лари қатори унга ҳам маъқул тушди: “Банк соҳасида ишла, кўпчилик хизматида бўласан, эл-юртга нафинг кўпроқ тегади”.

Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институтида иқтисодиёт йўналиши бўйича таҳсил олган ёш мутахассис 2013 йилда илк бор “Hamkorbank” ОАТБнинг остонасига қадам қўйди. Касса операциялари бўлими кечки касса кассири вазифасида бир ой ишлар-ишламас ўзи туғилган юрт — Шаҳрихонда мазкур банк филиалида меҳнат фаолиятига киришди.

Ўқиб-билганларини амалиётга жорий этиб, устозла-

ри, малакали ҳамкасблари маслаҳатлари, йўл-йўриқларига оғишмай амал қилаётган йигит саъй-ҳаракатлари соҳа мутасаддиларининг назаридан четда қолмади.

Кунлар, ойлар, йиллар ўтган сайин Азизбекнинг меҳнат дафтарчасида ёзувлар ўзгараверди: “Hamkorbank” АТБ чакана бизнес бўлими кассири; кичик менежери; менежери (истеъмол кредити) ва ҳақозо...

Айни дамда Шаҳрихондаги Шохбекат минибанкининг 1-тоифали менежери (истеъмол кредити) А. Алимов ўзига билдирилган ишончни оқлашга

интилаётган ёш кадрдан малакали ходим даражасига кўтарилди, меҳнатлари эътирофга лойиқ топилди.

Бундан тўрт-беш йил аввал — истеъмол кредити бўйича менежерлик вазифасини бажаришга киришган кезларида 280 нафар мижоз билан иш бошлаб, кредит қолдиғи 2,5 миллиард сўм атрофида эди. Ана шу кезларда банк соҳасида ишлаган амакисининг ўғитлари бир-бир хаёлидан ўтди: “...эл-юртга нафинг кўпроқ тегади”. Хўш, бунинг учун нима қилиш керак? Азизбек саволга ечим топиш илинжида мижозларни қизиқтираётган масалаларни,

уларнинг истак-хоҳишларини, қолаверса, истеъмол кредити юзасидан муаммоларни ўрганди. Бу саъй-ҳаракати беиз кетмади. Устозларининг ва ҳамкасбларининг қўллаб-қувватлашлари билан мижозларнинг истеъмол кредитига бўлган қизиқишлари кучайди. Бугунги кунда А. Алимов 1200 нафар мижоз билан ҳамкорлик ўрнатган. Банкирлар тили билан айтганда, “портфели”да 10 миллиард сўм мавжуд. Кўриниб турибдики, шу вазифани бажаришга киришгандан буён ҳар йили ўсиш, эътиборга молик кўрсаткичлар...

— Камтарона меҳнатларимни қадрлашгани учун банкимиз раҳбариятидан, танлов ташкилотчиларидан миннатдорман, — дейди Азизбек биз билан мулоқотда. — Бу эътироф мени янада ғайрат-шижоат билан ишлашга ундаяпти. Ниятим йил охиригача мижозларим сонини 1 минг 500 тага етказиш.

Дастлабки хомчўтга қараганда, у ана шу натижага эришса, “портфели”даги маблағ 15 миллиард сўмга етаркан. Демак, бу йилги номинацияда ҳам... Ишингиз боноридан келаверсин, совриндор йигит!

Ҳалимжон ТОҲИРОВ.

Нукус филиали банк тактикасини қўллаш ва ижро этиш борасида жуда фаол. Энг юқори кўрсаткичлар рўйхатида, албатта, бу жамоанинг номи қайд этилган бўлади. 2020 йил якунлари бўйича “Йилнинг энг яхши СРО менежери” дея эътироф этилган Абубакир Жолдасбаев ҳам мазкур филиалнинг ходими. Унинг ўтган йилда эришган ютуқлари ҳавас қиларли даражада.

— 2014 йилнинг бошида филиалимизга стажёр бўлиб келганман. Бир ярим йил иш ўрганувчи бўлиб юрдим, стажёрлик муддатингиз тугади, деб айтишса ҳам кетмадим. Бу ҳолат кўпчиликка нотабиий туюлиши мумкин. Аммо банк соҳасига бўлган иштиёқим, айниқса, “Hamkorbank”ка меҳрим тушиб қолгани умид ва сабр қилиш учун куч берди. Аслида табиятан бир ишни бошласам, охирига етказмай қўймайман. Ниҳоят 2015 йилда расман ишга қабул қилиндим. Ўша кунларнинг мукофотини энди кўряпман. Шукрки, жамоада ўзига яраша ўрним ва ҳурматим бор. Ишимга нисбатан масъулиятлиман.

Карантин пайтида ҳам меҳнат таътилига чиққанамга қарамай, ишга қатнашда давом этдим. Яқинларимнинг эътирозига ҳам қулоқ тутмадим. Ваҳоланки, бунга мени ҳеч ким мажбур қилмади. Меҳр етаклаб келди иш жойимга.

Жамоадошларим ҳазиллашиб мени “Абубанкир” деб чақиради. Кунимнинг катта қисми ишхонамда ўтгани, ҳаётим, орзу-мақсадларим банк билан чамбарчас боғланиб кетгани учун ҳам шундай ном қўйишган бўлса керак.

Кредит дастури (СРО) менежериман, мижоз томонидан тақдим қилинган кредит портфеллари билан боғлиқ амалиётларни бажараман. Яъни кредит чиққунчалик бўлган жараёнда мижозлар билан ишлайман. Хужжатларини қанча эрта тайёрласам, кредитлар шунчалик тез чиқиб,



ЭНГИЛМАЙДИГАН “АБУБА НК ИР”

филиалнинг иши илгари кетади.

Мен учун бажараётган вазифамнинг қийинчилиги йўқ. Салгина мураккаб томони ой охирига келиб, кредит йиғма жилдлари тўпланиб қолиши мумкин. Мана шу пайтда уларни чиқаришга улгуриш керак. Лекин бирон марта улгурмай қолганимни эслай олмайман.

Болалигимда уч йил футбол интернатида таҳсил олганман. Футбол — энг сеvimли машғулотим. Қизиқишим баъзида чарчоқларни ҳам унуттиради. Кўпинча эрталабда футбол ўйнаб, кейин ишга йўл оламан. Агар сизда бирон машғулотга кучли иштиёқ бўлса, на вақт танқислиги, на чарчоқлар

тўсқинлик қилади. Ташкилотлар ўртасида ўтказилган кўплаб футбол мусобақаларида “Энг яхши ўйинчи”, “Энг яхши ҳужумчи” номинацияларини қўлга киритганман. Агар бу йил “Hamkorbank”да футбол турнири ташкил этилса, жамоамиз билан ғолибликни мақсад қилганмиз.

Номинация ғолиби бўлганимни эшитган пайтим уйда футбол томоша қилиб ўтиргандим. Бўлимимиз бошлиғи кўнғироқ қилиб, телеграм каналимизга киришимни айтди. Тўғриси, бу гапни эшитиб, бирон хато қилдиммикан, деб кўрқиб кетдим. Хуш-хабарни эшитгач, йиғлашни ҳам, кулишни ҳам билмай қолдим. Кутилмаган янгилик

мени қувончу ифтихорга тўлдирди. Меҳнатларим эътирофидан бошим кўкка етди.

Мақтанишмас-у, жамоадошларимизнинг тўй ва бошқа маросимларида, байрам тадбирларида ташкилотчиликни ўз бўйнимга оламан. Ҳамкасбларимни тадбирга таклиф қилишдан тортиб, даврани қиздириш, бошловчилик қилиш, қўшиқ куйлаш, саҳна



Эътироф

кўринишлари билан иштирокчиларга кайфият бағишлагача бўлган барча жараёнларда фаол иштирок этаман. Балки, энг фаоллардан бири сифатида тан олиншимда стандартларни бажаришим, операцияларни сифатли амалга оширишим билан бирга, мана шу омиллар ҳам ҳисобга олингандир. Ютуғимда филиалимиздаги ҳар бир ходимнинг катта ҳиссаси бор ва бунинг учун уларга чин дилдан ташаккур айтаман.

“Инсон битта жойда униб-ўсиши керак. Қийинчиликлар, турли тўсиқлар унинг бошқа жойдан роҳат излашига сабаб бўлмаслиги зарур”. Албатта, бу менинг ҳаётий қарашларим. Яқинда 34 ёшга тўламан. Уч нафар фарзанднинг отасиман. Аллоҳим куч, идрокимдан мосуво қилмаса, шу банкда ишлаб, катта ютуқларга эришсам, банкимиз ривожига ўз ҳиссамни қўшсам, дейман. Бу тизимда маза қилиб меҳнат қилишингиз учун барча шароит муҳайё қилинган.

Абубакир билан суҳбатлашиш жараёнида унинг жуда кўп қирраларини билиб олдим. Бу йигит худди қайнар булоқдек истеъдодга бой, инсонийликка ошно экан. Уни худди очилмаган қўриққа ўхшатиш мумкин. Суҳбатлашиб, юрагига кириб борсангиз, жуда бепоён дунёни кўрасиз. Қалбига катта оламни жо қилиб олган и д а н х ай р а т г а т у ш а с и з .

Қисқа қилиб таъриф берганда, сабрли, мақсадли, истеъдодли ва енгилмас...

Нигора МИРОЛИМ қизи
ёзиб олди.

ФАОЛ ЁШЛАР

Нурилло Исмоилов "Hamkorbank"нинг Қўқон филиали менежери. 2020 йилнинг "Энг яхши мураббийи" номинацияси ғолиби.

— Отам "Ўғлим, галстук таққан кишиларга ҳавас қиламан. Улар ўқимишли бўлишади. Сени ҳам ўшаларга ўхшаган инсон бўлишингни хоҳлайман" деганларида ҳали мактабни тугатмаган эдим. Отамнинг шу ниятларини амалга ошириш учун мактабда аъло баҳоларга ўқидим. Тошкент молия институтининг талабаси бўлдим. Ўша кезларда ҳар бир давлатнинг иқтисодий ривожланишида банкларнинг аҳамияти катта эканлигини тушундим. Қизиқишларим боис 2015 йилда ўқишни тамомлаб, "Hamkorbank"нинг Қўқон филиалида иш бошладим. Ҳозирда чакана бўлими менежери вазифасида ишляпман.

ОТАМНИНГ
ОРЗУСИ

Филиалимиз 1999 йилда ташкил топган бўлиб, ҳозирда 60 дан ортиқ ходим ишлайди. Мақтанишга йўйманг-у, банкимиз Қўқонда анчайин машҳур ва ҳурмат топган банклардан.

Энг аввало, мижоз. Ҳар бир ходим сифатли хизмат кўрсатиш асносида банкка бўлган ҳурматни ҳис қилиши лозим. Жамоамизда ана шу ҳурмат шаклланган.

Бугунги ёшлар иқтидорли, истеъдодли ва билимли. Ҳар йили иш ўрганиш мақсадида келган йигит-қизларга банк фаолиятини ўргатиш борасида Нурилло Исмоилов анчайин тажрибали. Уларнинг келажакда етук мутахассис бўлишларига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

— Банк соҳасида ишлаш орзусининг ўзигина муҳим эмаслигини фаолиятим давомида тушундим. Иқтисодий ривожланиш ҳамма вақт билим талаб қилар экан. Рақамларда сеҳр бордай, гўё, ҳаётим билан боғладим. Шу боис банк иккинчи уйим, десам ҳам бўлаверади. Ишлаб ҳурмат топдим, дўст орттирдим, турмуш фаровонлигига эришдим. Отамнинг биргина орзуси замирида халқимга хизмат қилиш бурчи, эзгу мақсадлар мужассамлигини тушундим. Ва касбимни севишим, астойдил меҳнат қилишим зарурлигини англаб етдим.

Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА.

* АҚШдаги Хитой маҳсулотлари Хитойдаги Америка маҳсулотларига қараганда қимматроқ бўлади.

* Энг бой америкаликларнинг фарзандлари оддий савдо дўконларида ишлашни маъқул кўради.

Биласизми?

ортиқ ипотека кредитларининг муддати ўтган.

* Тахминан 100 миллион америкалик камбағалликда ҳаёт кечиради.

* Ҳар бир еттинчи амери-

АҚШ ИҚТИСОДИЁТИ ҲАҚИДА



* АҚШ аҳолиси ҳозирда 20 йил аввалига қараганда кам пул ишлаб топади.

* Бугунги кунда Қўшма штатлардаги 6 миллиондан

калининг камида 10 тадан кредит картаси бор.

* АҚШда солиқ тўламайдиганлар жуда кўпчиликини ташкил этади.

ОСИЁ тайёрлади.

Айрим раҳбарлар ишонасида ҳам, оиласида ҳам ўта қаттиққўл, "Фақат аменинг айтганим бўлади", деган фикр билан яшаса, баъзилар ҳамма билан мурося қилишни афзал кўради. Яна бошқа тоифадаги раҳбарлар учун эса бошқариб турган лавозими ҳамма нарсадан, ҳатто оиласидан ҳам муҳимроқ. "Hamkorbank"нинг Юнусобод филиали бошқарувчиси Зафар САВУРБАЕВ билан суҳбатимиз раҳбарнинг оиласи олдидаги масъулияти хусусида кечди.

ЗАФАР САВУРБАЕВ:

“ҲАЁТ ФАҚАТ
ИШДАН ИБОРАТ
ЭМАС”

— Суҳбатимизни банк соҳасига қизиқишингизга туртки бўлган сабаблар билан бошласак?

— Бунга мен ўқиган банк ишига ихтисослашган Тошкент молия институти сабаб бўлган. Тўрт йил давомида ўзим сезмаган ҳолда банк ишига шунчалик қизиқиб кетдимки, тезроқ институтни битириб, ишлашни хоҳлардим. Ўша вақтларда институтимиз иқтисод йўналишида энг нуфузли олийгоҳлардан бири эди.

— Раҳбарлик фаолиятингизда биринчи эътиборни нимага қаратдингиз?

— Филиал бошқарувчиси сифатида фаолиятимни 33 ёшимда бошладим. Бўлим бошлиғи, бошқарувчи ўринбосари лавозимларида ҳам ишлаганман. Бу ёшда ҳар қандай одамда "вазифамни уддалай олармиканман", деган кўркүв бўлиши табиий. Ахир кўпчиликнинг юкини кўтариш осон эмас. Раҳбар ходимларнинг моддий таъминотидан тортиб, соғлиғи, оилавий муаммоларигача масъул. Уларнинг муаммосига нописанд қарасангиз, ишончсизлик пайдо бўлади. Бу эса ишга нисбатан лоқайдликка олиб келади.

Раҳбар сифатида биринчи эътиборни жамоага қаратдим. Ҳамкасблар билан тил топишиш, ҳар бир ходимнинг мотивациясини аниқлаш ва соғлом муҳит яратиш муҳим масала. Чунки ҳар қандай натижага ходимлар орқали эришилади, уларсиз раҳбарнинг бир ўзи ҳеч нарса қила олмайди.

— Ҳозирги кунда ҳамманинг банкка иши тушади. Айтайлик, бирор яқин дўстингиз ёки

қариндошингиз кредит масаласида ёрдам сўраса, қандай йўл тутасиз? Бизда ўзбекчилик деган нарса бор. Ёрдам бермасангиз, дашномга қоласиз.

— Муаммога муаммо сифатида қарамасликка интиламан. Унинг ечими қаердадир турган бўлади. Танишларимнинг илтимосига келсак, белгиланган тартибда кўриб чиқишга ва тўғри маслаҳат беришга ҳаракат қиламан. Одатда, бунақа мурожаатлар кўп бўлмайди, чунки ҳозирда ҳамма банклар очик, бир-биридан қулай хизматларни таклиф қилмоқда. Банк тизими аллақачон мижозлар асосий омил эканлигини тушуниб етган.

— Ота сифатида фарзандларингиз билан қандай муносабатда бўласиз? Болаларча берадиган саволларига асабларингиз таранглашмай, жавоб бера оласизми? Фарзандларингизнинг олдингизга қўядиган талабларини бажарасизми?

— Фарзандларим ҳали ёш бўлганлиги боис уларга қаттиққўл эмасман. Катта бўлишганда ҳам тил топишиб, дўст бўлишга ҳаракат қиламан. Ҳар қандай саволларига эринмасдан жавоб бериш керак, деб ўйлайман. Имконият даражасида улар учун фойдали бўлган нарсаларни олиб бераман. Улғайганда мустақил бўлиб, ҳамма нарсага ўз кучи билан эришишлари тарафдориман.

— Ишдаги муаммоларни ечишда қийналсангиз, кимдан маслаҳат оласиз?

— Иш бор жойда муаммо бўлиши табиий. Биринчи маслаҳатни, албатта, отамдан оламан. Улар билан ишимдаги долзарб масалалар юзасидан маслаҳатлашиб тураман. Устозлар ва тажрибали ҳамкасблар фикрларига ҳам таянаман. Ҳамма гап ҳамжиҳатликда.

— Қўл остингиздагиларнинг оиласида муаммо туғилса, ечишда ёрдам бера оласизми?

— Агар айтишса, албатта, ечим топишга ҳаракат қиламан. Гап шундаки, ходимлар ҳар доим ҳам шахсий муаммоларини раҳбарга айтавермайди. Раҳбар кўп ҳолларда эътиборлироқ бўлиб, ўзи англаб олиши керак. Оиласида хотиржамлик ҳукм сурса, ишида унум бўлади.

— Ишонасидаги муаммоларни, яъни иши кўплигини рўкач қилиб, ўзини оиласидан олиб қочадиган, уйига фақат ухлаш учун бориб келади-ган раҳбарларни қандай баҳолайсиз?

— Уларга кетаётган йўларида бироз тўхтаб, бошни кўтариб, қаёққа кетаётгани ҳақида мулоҳаза қилиб олишларини маслаҳат берган бўлардим. Ҳаёт фақат ишдан иборат эмас, бугунги кунда қанча вақт ишлаганига эмас, самарали ишлаганига қараб баҳо беришади.

— Шахсан ўзингиз раҳбарлик ва оталик ролини қандай уддалаяпсиз?


— Агар эркак киши масъулиятли бўлса, оиласини ҳам, раҳбарлик лавозимини ҳам бирдек олиб боради. Оталик ўрни раҳбарликка алмашиб қолса, яқинлари ўртасида норозилик келиб чиқади. Шу боис маҳалла-қўй, қўни-қўшниларнинг тўй-маъракаларига вақт топиб қатнашаман. Кабинетда ўтиравериб, жисмоний меҳнатни соғиниб қоламан. Дам олиш кунлари оилавий спорт билан шуғулланамиз. Ишда раҳбар, оилада ота эканимни унутмайман.

— Нигора РАҲМОНОВА суҳбатлашди.




...Раҳбар ходимларнинг моддий таъминотидан тортиб, уларнинг соғлиғи, оилавий муаммоларигача масъул. Уларнинг муаммосига нописанд қарасангиз, ишончсизлик пайдо бўлади...

Халқимизнинг ажойиб феъл-атвори бор. Муҳтожларга, ёрдам сўраганларга ҳеч қачон йўқ демайди, борини баҳам кўради. Кези келганда ўзи емаса емайди, киймаса киймайдики, ўзгага кўмакка отланади. Асрлар оша сайқалланган бу қадрият ҳали ҳануз жамиятимиз ҳаётининг ажралмас бўлагига айланган. Бугунги кунда у инсонпарварликнинг ёрқин намунаси тарзида давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги эътирофга лойиқ. “Кам таъминланган оила”, “Камбағалликдан чиқариш”, “Темир дафтар” каби ибораю атамалар эндиликда ҳаммага таниш, давраларда баралла айтилмоқда. Бағрикенг, сахийқалб халқимиз ночор вазиятга тушиб қолган юртдошининг ташвишу дардларига ҳамиша ҳамнафас, ёрдамга шай. Бу ҳол, айниқса, пандемия даврида янада яққол намоён бўлди. Ўзига хос синов палласи кимлигимизни ҳам кўрсатиб қўйди. Ҳимматлилар кўпайди, савобтаблар сафи ортди. Бироқ шולי курмаксиз бўлмаганидек, ён-атрофнгизга боқсангиз...



“РҲЙХАТ”ДАГИ КИМСА



Бекмуродни бунақа аҳволда учратаман, деб сира ўйламагандим. Фиғони фалакка чиқаётгани шундоқ юз-кўздан билиниб турарди. Салом-алик қилишимиз биланоқ маҳалла фаоли дардини дастурхон қилди:

— Навоий бобомиз “Одам борки, одамларнинг нақшидир, одам борки, ҳайвон ундан яхшидир”, дея ҳўб билиб ёзган экан-да. Янгиқўчадаги Носир нўхатфурушни биласиз-а? Тоғни урса, толқон қиладиган икки ўғли, ўзига тўқ уч қизи бор. Ўзи кунда, куноша бозорда. Ўн сотих ҳовлисининг ярмидан кўпи бозорбоп анор-у, сархил гилосга тўла. Эшитишимча, улардан

йилига миллионлаб сўм даромад топади.

— Хўш, бунинг нимаси ёмон? Ажабланганимни кўриб, суҳбатдошим куйиб-пишиб давом этди:

— Ёмон деяётганим йўқ, топгани яхши кунига буюрсин. Лекин... шу десангиз, йўлини қилиб ногиронлик нафақасига ўтиб олган экан. Ҳол сўралса, “Қон босимим чатоқ, юрагим заиф”, дея оҳ-воҳ уради. Поликлиникадаги дўхтирларни ҳам роса безор қилгани етмаганидек, энди маҳалла йиғинидагилардан тортиб то вилоят ташкилотларидаги масъулларни ҳам маломатга қўйяпти.

“Бизни ҳам кам таъминланганлар дафтарига киритишасан, яшаш шароитимиз яхшимас”, деб арз қилгани қилган. Ўзи ҳам, аёли ҳам яхшигина пенсия олади, ўғиллари ишлайди. Эрта-лаб сектор раҳбари етакчилигида унинг уйига бордик. Албатта, қуруқмас: озиқ-овқат, пул дегандай... Миннатдорлик эшитиш ўрнига яна маломатга қолдик. “Бори шуми? Буларинг бир ойга зўрға етади, кейин нима қиламиз?” деганча ғалва кўтарса бўладими? Олиб борган тўрт юз эллик минг сўм пулимизни биттама битта санаб олиб: “Намунча оз, қолгани қани? Устинглардан “янада юқори”га ёзаман!” дея чунон жанжал кўтардики, асти қўяверасиз. Маҳалла оқсоқолимиз — Ҳайитали ака бошчилигидаги фаоллар меҳмонлар олдида роса мулзам бўлди-да.

“Ёмонни ўйласанг, пешонангдан чиқар”, деганларидек эртаси куни тасодифан Носир нўхатфурушни учратиб қолдим. Ичи лиқ тўла рўзгор халталарини кўтарганча машинадан тушаркан, киракаш ҳайдовчига ўдағайларди:

— Ҳей ука, мен иккинчи гуруҳ ногирониман, алоҳида рўйхатда тураман. Хоҳласам йўлқира бераман, уқдингми?

Сал ўтмаёқ мен ҳам Бекмуроднинг ҳолатига тушиб қолдим.

АГАР МУМКИН БЎЛСА...

...Фахриддинни болалигидан яхши биламан. Бир томонлама шол туғилган йигит, назаримда, ҳаёт қисматиға мардона боқувчи инсонларнинг тимсолиға айланган. Қўлтиқтаёқ билан маҳалла гузаридаги устахонасига чиқиб, қоронғи тушгунча бир қўллаб пойабзал тикиш-у таъмирлаш билан машғул. Оғзи қаттиқмас — берганингизни олади. Шу ернинг ўзида чоқроққина савдо растаси ҳам ташкил қилган. Ўғли ва икки нафар шогирди у билан ёнма-ён эл хизматида. Бирон нимадан нолиганини, ранжиганини эшитмайсиз. Қачон қараманг, тилида шукроналик, юзида самимият.

Ўтган йилнинг кузида мутасаддилар кам таъминланганлар қаторида унинг оиласига ҳам ҳайрия қилишмоқчи бўлди. Аммо Фахриддин “Дамас”да

олиб келинган кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари ва конвертга солинган пулни олишга унамади.

— Узр, буларни ололмайман. Негаки биздан-да эҳтиёжманд, серфарзанд оилалар бор — ўшалар олгани яхши. Шукр, тирикчилигим ўтапти, худойим ризқимни бериб турибди.

Мумкин бўлса, оиламизни “темир дафтар”инглардан чиқарворсанглар.

Тумандан келган вакил унинг гапини эшитиб, Фахриддинни жимгина бағрига босди...



Пешинга яқин кўча дарвозаси тақиллаганда Зокир сувоқлари тўкилай деб турган айвонда ёнбошлаб ётарди. У эринибгина ўрнидан туриб, дарвозахонага йўл олди ва сал ўтмай беш-олти кишини етаклаб ортига қайтди. Келгувчиларнинг каттароғи — кўзойнакли, тепақал вакил бетартиб ҳолатдаги ҳовли-жойга бир қур назар солгач, гап бошлади:

— Тегишли топшириқ бўйича кам таъминланган оилаларнинг ҳол-аҳволини ўрганапмиз. Биздан нима истайсиз? Қандай ёрдам керак?

Зокир ўзибоп иш йўқлигини, хотини ҳам ишсиз эканлигини ваз қилиб, берилётган хай-

рия нафақа пулини янада кўпайтиришларини сўради.



— Ҳм-м, шундай денг... — гуруҳ раҳбари кўлидаги иш дафтариға қараб олгач, давом этди: — Айтишади-ку: “Қўл билан берганга куш тўймайди” деб. Ука, сизни ободонлаштириш —

ЯХШИКУ—Я, ЛЕКИН...

рўзгорингларга барака киради. Кейинчалик қўй, товук дегандай...

Зокир бошини қашиб яна чайналди.

— Яхшику-я, лекин... Туман вакили ўт-ўлан

босиб ётган томорқага кўз югуртиб, яна уй эгасига юзланди.

— Манави ерингиз иссиқхона қуришга

мос экан. Банкдан кредит олиб, иссиқхона қуришингизга кўмак берамиз. Қарабсизки, икки йил ўтмаёқ “Темир дафтар”дагилар рўйхатидан...

Унинг гапи тугамаёқ Зокирнинг ранги қув ўчди ва кескин қўл силтади.

— Агар ишга жой-

Яқинда маҳаллалараро яна гап тарқалди:

“— Эшитдингларми, Носир нўхатфуруш ёрдам сўраб “Вақф” жамғармасига хат битганмиш”.

“— Зокир танбал “тирикчиликдан қийналиб қолдик, отамнинг пенсия пулини ошириб беринглар”, деб ишчи комиссияга арз қилибди”.

“— Фахриддин косиб икки ойлик савдо-сотикдан тушган пулига кўмир олиб, кам таъминланган оилаларга тарқатибди”.

Хуллас, ана шунақа гаплар. Хулоса чиқариш эса ўзингизга ҳавола, азизлар...

А. ТУРҒУНОВ

лашсам, сигир-бузоқли ва иссиқхонали бўлсам, кам таъминланганлик пулини ололмаймизми? Ундай бўлса, бизга унақа ёрдам-у мурувват керакмас! Мен рўйхатдан чиқиб кетишни истамайман!

— А?! — вакил бир умр “боқиманда” бўлиб яшашни хоҳлаётган норғул йигитга қараганча анграйиб қолди.

Катта тезликда келаётган машина ғийқ этиб тўхтади.

— Нима бўлди, одамнинг юрагини ёрдингиз? — сўради аёл эрига қараб.

— Йўлимдан нимадир чиққандек бўлди... — эркак аста машинадан тушиб, олд тарафга юрди. Хотини ҳам ортидан борди.

Машина ғилдираклари тагида кичкина кучукбола инграб ётарди. Оёғини босиб кетган кўринади... Эркак "аҳ" деди-да, хотинига саволмуз боқди.

— Хайрият, одам эмас экан, — ёқасига туфлади аёл. — Юринг, кетдик, кечикяпмиз...

Шу пайт йўл четида катта ит кўринди. Лўкиллаб

Тўрт йил ўтгач...

улар томонга чопди. Аёл кўрққанидан машина эшигига суянди ва эрини шоширди. Аммо ит одамларга қиё боқмай, кучукчани искади. Сўнг аламли бир алфозда увлади.

— Боласи, шекилли... — бошини қашлади эркак. Аранг нафас олаётган лайчага қўлини теккизди.

— Онаси, қара, ҳали тирик... балки, шу атрофда бирор мол дўхтири...

— Эй, бунча кўнгилчан бўлмасангиз! Битта итга шунчами? Бўлсангиз-чи, ота-онам кутиб қолишди!

Ҳомиладор аёлини

бетоқат қилмаслик учун эркак мажбур машинага ўтирди. Кетаркан, кўзгу орқали орқада қолиб кетган маҳзун она ит ва норасида кучукчадан кўзини узолмади.

— Ишқилиб, омон қолсин-да...

Ўша воқеа анчагача эсидан чиқмади эркакнинг. Орадан беш ой ўтиб, хотини ўғил туққач эса унутиб ҳам юборди... Аммо тўрт йилдан кейинги бир мудҳиш воқеа унга ўша кунни эслатди.

Кўчада ўйнаб юрган ўғилчасини машина уриб кетибди. Ҳайдовчи

қўрққанидан қочиб қолибди. Бир киши уни шошилиш касалхонага олиб борибди. Ота-она жон ҳолатда жонлантириш бўлимига келишди.

— Ўғлингизнинг жони омон, фақат... бир оёғи... ногирон бўлиб қолиши мумкин.

Онаси аюҳаннос солди, ота эса бошини чангаллаб ерга чўкиб қолди. Боши гир айланиб, кўз олдига инграб ётган кучукча келди.

— Бахтингга... ўша кучук-



ча омон қолган бўлса керак, йўқса... — дод солаётган хотинига пичирлади у.

Аёл ҳам бирдан сергакланди ва ўзини эрининг оёқлари тагига ташлади.

Муҳаммадсолиҳ РАҲМИДДИНОВ

Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси "В" гуруҳида БААнинг "Шаржа", Эроннинг "Тракторсози" ва 2-плей-офф ғолиби ("Ал Ваҳда" Саудия Арабистони ёки "Ал-Қува Ал-Жовия" Ироқ) жамоалари билан баҳс олиб боради.

ОЧЛ: ГУРУХ БОСҚИЧ БАҲСЛАРИГА ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Мамлакатимиз шарофтини ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлган яна бир клуб — ОКМК эса плей-офф баҳсида Қатарнинг "Ал Ғарафа" жамоасидан устун келса, "А" гуруҳидан жой олади. Дастлабки гуруҳда Саудия Арабистони чемпиони "Ал Хилол", БААнинг "Ал Аҳли" ва Тожикистон чемпиони "Истиқлол" жой олган. Гуруҳдаги 4-жамоа "Ал Ғарафа" — ОКМК ўйинидан кейин маълум бўлади. Ушбу баҳс 7 апрель куни ўтказилади.

30-КЛУБ БИЛАН ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

Бразилиянинг "Атлетик" клуби уругвайлик Себастьян Абреу билан шартнома имзолади.

Бу 44 ёшли футболчи учун профессионал фаолиятидаги 30-жамоага айланди. Шу тариқа, Абреу ўзининг шахсий рекордини янгилади. Бунгача футболчи Уругвайнинг "Бостон Ривер" жамоасида тўп суриб келаётганди.

Футбол оламида



МЕССИ — ЭНГ Кўп солиқ тўловчи



Каталониянинг "El Periódico de Catalunya" газетаси хабарига кўра, "Барселона" ҳужумчиси **Лионель Месси сўнгги 4 йил давомида 370 млн. евро солиқ тўлагани**

айтилмоқда.

Шундан 275 млн. евро си даромад солиғи сифатида мамлакат ғазнасига ўтказилган. Бундан ташқари, 33 ёшли футболчи қиёфа ҳуқуқи ва рекламадан олган даромадлари учун солиқ тўлаган.

Шу тариқа, Месси ҳар йили ўртача 70 млн. евро солиқ учун сарфлайди. Бу сумма ўзгариб туриши мумкин. У Испанияда энг кўп солиқ тўловчи ҳисобланади.

Ҳ. РАШИДОВ тайёрлади.

Аксарият футбол мухлислари 36 ёшга тўлган Роналду ва 33 ёшдаги Мессининг иқтидорига на ёш, на йиллар таъсир кўрсатолмаётганини айтади. Аммо мисрлик Бахадер Эззельдин олдида бу икки футбол юлдузининг майдондаги ёши ҳеч нима бўлмай қолади. Бахадер 2020 йилнинг ноябрида 75 ёшга тўлди. У ёшлигидан футболга меҳр қўйган, лекин асосан ҳаваскор клубларда тўп суриб келган эди.

74 ЁШДАГИ ПЕНАЛЬТИ

Нафақахўр ўйинчи энг кекса футболчи мақомини олиш учун 2020 йил бошида Миср чемпионатининг учинчи дивизиони клуби билан профессионал шарт-

Гиннес рекордини расмий равишда янгилади. Бу тарихий ўйинда футболчини 6 нафар набира-си қўллаб-қувватлаб турди.



нома имзолади. 6 март куни бўлиб ўтган учрашувда дебют ўйинини ўтказган отахон пенальтидан гол ҳам урди ва жамоасининг дурангга эришишига сабабчи бўлди. Аммо иккинчи ўйин пандемия туфайли қолдирилди. Орадан бир неча ой ўтиб, 6 октябрь куни яна майдонга тушди ва 90 дақиқа давомида тўп сурди. Шу тариқа у

Бахадернинг Гиннес рекордини ўрнатиш бора-сидаги орзуси амалга ошганидан унинг турмуш ўртоғи Фотима, фарзандлари ва набиралари жуда хурсанд. "У қандай ўйнаётгани, югурётгани ва пас узатаётганини кўриб, ҳайратда қолдим", — деди ҳакам Амро Рамадан. Ҳақиқатан ҳам, ўйин давомида 74 ёшли нуро-

Шу тариқа инсоннинг орзу-мақсадлар рўёби йўлидаги шижоати ва ҳаракатига ёшнинг таъсири йўқлигини Бахадер Эззельдин бутун дунёга исботлади. Ундан олдинги рекорд "Ironi Or Yehuda" клуби дарвозабони бўлган исроиллик 73 ёшли Исаак Хайикка тегишли эди.

НИГОРА тайёрлади.



Ниначилар атиги 24 соат яшайди.

→ Туяқушнинг кўзи унинг миясидан катта.

→ Туянинг сути ивимаиди.

→ Мушуклар юздан ортиқ, итлар эса

атиги 10 та вокал товушини чиқарар экан.

→ Туяларнинг кўз қовоғи уч қават бўлиб, бу қум бўронларидан яхши ҳимоя воситаси ҳисобланади.



Дельфин бир кўзини очиб ухлайди.



Сигирлар мусиқа садолари остида соғилганда, нисбатан кўп сут беради.

→ Буғулар бананни жуда яхши кўради.

→ Йўлбарсларнинг нафақат юнги, балки, териси ҳам йўл-йўл.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

→ Акула — иккала кўзини юма оладиган ягона денгиз жонивори.



Жирафа сувсизликка туядан кўра чидамлироқ экан.



УЗОҚ ЯШАШНИНГ ЯНА БИР СИРИ

Япониянинг Осака университети олимлари ҳар куни пиёда юриш умр кўриш давомийлигига таъсир қилишини аниқлади.

Тажриба муаллифлари 13 йил давомида 40 ёшдан 79 ёшгача бўлган 27 мингдан ортиқ одамни ўрганишган.

Тадқиқот натижасида олимлар ҳар куни бир соат пиёда сайр қилган кўнгиллилар нофаол турмуш тарзини олиб борган одамларга қараганда узоқроқ умр кўришини қайд этди.

Тадқиқотчилар пиёда юришнинг нафақат давомийлиги, балки, тезлиги ҳам муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашмоқда. Тез юрувчилар секинроқ қадам босувчиларга қараганда кўпроқ умр кўришган.

Олимларнинг хулоса қилишларича, умрни узайтириш учун ҳар куни камида бир соат 4,83 км/соат тезлик билан юриш (ёки дақиқасига 100 қадам ташлаш) кифоя.



Рустамжон ЭШОҶОВ олган сурат-лавҳа.

МУТОЛАА ЗАВҚИ

БАА Форс кўрфази соҳилида жойлашган. Бу ҳудудда катта миқдордаги нефть тўпланиб қолган. Айнан шу омил минтақага фаровонлик олиб келган. Ярим аср олдин бу ер кимсасиз бўлиб, инфратузилма иншоотлари йўқ эди.

Ўтган асрнинг 70-йиллари бошларида еттига ҳудуд бирлашиб, мамлакатга айланди ва Бирлашган араб амирликлари номини олди.

БААнинг раҳбари шайх Зайд нефть хомашёси ёрдамида катта ютуқларга эришиш қийинлигини тушунди. Унинг мақсади — бой инфратузилма, шинам уй-жойлар, иш ўринлари яратиш эди. Шу боис чет элдан профессионал инвесторларни жалб қила бошлади. Натижада саҳро ўрнида гуллаб-яшнаган, замонавий йирик мегаполис қад кўтарди.



ри бошлангандан бери маҳаллий аҳоли бошқа тинч ва қулай мамлакатларга бориб яшамоқда. Истаган вақтида яна юртига қайтиб келади.

*Мамлакатда хусусий бизнес билан шуғулланадиганларга

очиқ кийиниш тақиқланади. Гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланадиганларга ўлим жазоси тайинланади.

*Таълим ва тиббий хизматнинг барча тури, электр, сув бепул.

*21 ёшга тўлган ҳар бир



*Африка ва Осиё мамлакатларидан келган меҳнат муҳожирлари бу ерда официантлик, қурилиш

*Ҳозирда мамлакатда 8 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллий аҳоли 15 фоиздан сал кўпроқ. Қолганлари Осиё ва бошқа ҳудудлардан келган ёлланма ишчилар.

*Маҳаллий аҳоли пулга муҳтож эмас, чунки улар туғилиши билан ҳамма нарса билан таъминланган бўлади. Туғилган ҳар бир чақалоқнинг ҳисобига 55 минг доллар ёзилади.

*Шаҳарда кенг қўламли қурилиш ишла-

ОДАМЛАРИ ПУЛГА МУҲТОЖ БЎЛМАЙДИГАН МАМЛАКАТ



эркак фуқарога ер участкаси ажратилади ва уй қуриши учун маълум миқдорда пул ҳам берилади.

*Чет эллик мигрантлар асосан хизмат кўрсатиш соҳасида, яъни бармен, сотувчи, хизматкор, энага, официант бўлиб ишлайди.



соҳаларида ишлайди. Россия Федерацияси ва бошқа ривожланган давлатлардан борган муҳожирлар обрўли ишларда фаолият юритади.

*БААда белгиланган миқдордаги иш ҳақи йўқ. Ўртача иш ҳақи бўйича дунё мамлакатлари орасида етакчи ўринни эгаллайди. Энг кам иш ҳақи қўл меҳнати билан шуғулланадиган

малакасиз ишчиларга берилади. Энг кўп иш ҳақини ўқитувчилар, шифокорлар, муҳандислар, нефть соҳаси мутахассислари ва иқтисодчилар олади.

*Бу давлатда меҳнат муҳожирларининг манфаатлари жуда яхши ҳимоя қилинади. Улар учун 8 соатдан кўп бўлмаган, тушлик танаффуси камида 2 соат бўлган иш жадвали тузилган. Бу жадвал қатъий назорат остига олинган.

*Давлат қонунчилигига биноан чет эллик ишчига ҳафтасига бир кунлик таътил берилади. Шартнома иш берувчи ва мигрант ўртасида камида бир йилга тузилади.

Н. ТЎХТАМАТОВА
тайёрлади.



МУАССИС:

"HAMKOR PRESS" MCHJ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Фарғона вилояти бошқармасида 2018 йил 08 июнда 12-041 рақам билан қайта рўйхатга олинган
Индекс: 460
e-mail: hamkor.press@mail.ru

Газета "Hamkor Press" таҳририяти компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Нашр учун масъул: Н.ТЎХТАМАТОВА
Саҳифаловчи: А. КАБИРОВ
Манзилимиз: Андижон шаҳри, 105100, Бобур шоҳқўчаси 53-уй.
Тел: 378 298-01-07

"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00
Топширилди - 20.00
Қоғоз бичими - А3
Буюртма: Г-149 Адади: 6075
1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма тобоқ.

ISSN 2181-9734



Сотувда келишилган нархда.